Стратегик ... тадқиқотлар ... КУТУБХОНАСИ

НОЁБ ҚЎЛЁЗМАЛАР ТОПИЛДИ 2-бет

ТВ «ОЙНАИ ЖАҲОН»ДА КЎРИНГ, ТОМОША ҚИЛИНГ 3-4-5-бетлар

ЗИЙРАК БОБО НИМА ДЕЙДИ? 6-бет

ҲАФТАНГИЗ ХАЙРЛИ КЕЛСИН 7-бет

ЖУМА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ / № 73 (10.126) / 2004 ЙИЛ 16 АПРЕЛЬ

## ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ РОССИЯГА САФАРИ

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 15 апрель куни амалий ташриф билан Россия Федерациясига жўнаб кетди. Мамлакатимиз раҳбари сафар олдидан Тошкент аэропортида журналистларга интервью берди.***

— Россия — катта сиёсий, иқтисодий ва ҳарбий салоҳиятга эга мамлакат, — деди Президент Ислом Каримов. — Владимир Путин Россия президентлигига иккинчи муддатга сайлангач, мамлакатнинг ички ва ташқи сиёсатини ўзгартиришга йўналтирилган қатор ишлар амалга оширилмоқда. Маъмурий соҳада ўтказилаётган ислоҳотлар бу борадаги муҳим қадамлардандир.

Ўзбекистон ва Россия алоқаларининг тарихи узоқ. Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан кейин бу алоқалар янгича мазмун-моҳият касб этди. Ўзаро тенглик ва шериклик асосидаги ҳамкорлик йўлга қўйилди. Бугун ҳар иккала мамлакатда ана шу ҳамкорлик туфайли салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Буни сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда яққол кўриш мумкин.

Лекин масалага бугунги кун талаблари нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, ўзаро алоқаларимиз, айниқса, иқтисодий соҳадаги ҳамкорлигимиз имкониятлар даражасида эмас. Божхона соҳасидаги муайян мураккабликлар, темир йўл транспортида ташиладиган юклар учун устама тўловларнинг баландлиги билан боғлиқ масалалар икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларнинг талаб даражасида эмаслигига сабаб бўлаётир, дейиш мумкин.

Ташриф чоғида ана шундай долзарб масалаларни муҳокама этиш режалаштирилган. Бинобарин, бундан икки томон ҳам бирдай манфаатдор.

**МОСКВА. 15 апрель. (ЎзА махсус мухбири Анвар БОБОЕВ хабар қилади). Россия Президентининг Ново-Огарёводаги қароргоҳида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг учрашуви бўлиб ўтди.**

Суҳбат чоғида Ўзбекистон-Россия муносабатларига оид, минтақавий ва томонларни қизиқтирган халқаро масалалар муҳокама қилинди.

Ислом Каримов Владимир Путинни президент сайловида ғалаба қозонгани муносабати билан яна бир бор қутлади. Унинг ғалабаси Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги ўзаро ишончли, дўстона муносабатларни янги босқичга кўтаришда муҳим омил бўлишини қайд этди.

Ўзбекистон ва Россия алоқаларини ҳар томонлама ривожлантирмоқда. Ўтган йили ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 25,8 фоиз ўсиб, 1 миллиард 149,1 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Президентлар бу миқдорни янада ошириш имкониятлари мавжудлигини таъкидладилар. Айниқса, нефт-газ, озиқ-овқат ва енгил саноат соҳаларида ҳамкорликни кенг кўламда ривожлантириш мумкин.

Мунтазам давом этаётган олий даражадаги мулоқотлар Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантиришда муҳим омил бўлмоқда.

Президентлар Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ва Шанхай ҳамкорлик ташкилоти доирасидаги алоқалар кенгаяётганини таъкидладилар. ШҲТнинг жорий йил июнь ойида Тошкентда бўладиган саммитига тайёргарликка оид масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Мулоқот чоғида Марказий Осиёда хавфсизликни мустаҳкамлаш, терроризмга қарши ҳамкорликда курашишга доир масалаларга алоҳида эътибор қаратилди. Россия раҳбари яқинда юртимизда содир этилган террорчилик ҳаракатларини кескин қоралади. Президент террорчиликнинг ҳар қандай кўринишига қарши муросасиз курашиш зарурлиги, бу йўлдаги саъй-ҳаракатлар фақат мустаҳкам ҳамкорликда, бахамжиҳат иш юритилганда кутилган самара беришини таъкидладилар.

Ислом Каримов ва Владимир Путин Ўзбекистон-Россия муносабатлари бундан буён ҳам ўзаро ишонч ва манфаатдорлик асосида ривожланиб бораверишига ишонч билдирди.

Президент Ислом Каримовнинг Россия Федерациясига амалий ташрифи давом этмоқда.

**ЎзА**

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### Мамлакатимизда

**● Мамлакатимизга ташриф буюрган АҚШ ҳарбий ҳаво кучлари вазири Жеймс Роше Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазири Қодир Ғуломов билан учрашди.**

**● Тошкентда «Ўзбекнефтгаз» Миллий холдинг компанияси ва «Зарубежнефтегаз» (Россия) ёпиқ акционерлик жамияти ўртасида Устюрт ҳудудидаги Шахпахти конидан қазиб олинган маҳсулотни тақсимлаш тўғрисидаги битим имзоланди.**

**● «Экосан мехр ва мурувват йўлида» мақсадли дастури доирасида Оролбўйи аҳолисига амалий ёрдам кўрсатиш учун эртага тиббий ускуналар билан жиҳозланган навбатдаги поезд Қорақалпоғистон Республикасига жўнаб кетади. Мурувват поезди ўн кун мобайнида кўплаб туманлар аҳолиси, ногирон ва ёлғиз қариялар, аёллар ва болаларга тиббий ёрдам кўрсатади.**

**● АҚШ халқаро ривожланиш агентлиги (ЮСАИД) кўмагида Халқаро болалар дастурлари маркази томонидан ишлаб чиқилган «Қадам—бақадам» дастури мувофиқлаштирувчилари Н.Бобби (Англия), А.Терри (Канада), К.Мелхаин (АҚШ)лар Бухорода бўлишди.**

**● Қашқадарё вилоятидаги еттита қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежига Япония кредити ҳисобидан молиялаштирилган «Ўзбекистонда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимини ривожлантириш» лойиҳасига мувофиқ еттита «Тико» автомашинаси топширилди.**

**● Андижон вилоятида хорижий сармоя ёрдамида ташкил этилган корхоналар сони яна биттага кўпайди. «Эмтекс» ўзбек-турк қўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган трикотаж маҳсулотларига талаб катта бўлмоқда.**

### Жаҳонда

**● БМТ Бош котиби Кофи Аннан Кипр оролларини бирлаштириш юзасидан жорий йилнинг 24 апрелида ўтказилиши кўзда тутилган референдум санасини кечиктиришни таклиф этди.**

**● Украина парламентидаги кўпчилик депутатлар томонидан мамлакат президентлигига ягона номзод сифатида бош вазир Виктор Янукович илгари сурилди. Бундай қарор ўтган куни парламентга келган кўпчилик партия ва фракциялар раҳбарларининг учрашувида қабул қилинди.**

**● Покистон парламентининг юқори палатаси томонидан армиянинг сиёсий жараёндаги вазифаси ва ролини белгилаб берувчи қонун лойиҳаси қабул қилинди. Унга кўра давлатнинг янги органи — Хавфсизлик Миллий Кенгаши таъсис этилади.**

**● Ҳиндистоннинг Жамму ва Кашмир вилоятларида ўтказилган сайловолди митинги пайтида олти киши яраланди.**

## ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ МАЖЛИСИ

***Вазирлар Маҳкамасининг 15 апрель куни бўлиб ўтган йиғилишида Республика ҳукуматининг 2004 йил 7 февралдаги мажлисида белгиланган вазифаларнинг бажарилиши ҳамда 2004 йилда иқтисодиётни янада эркинлаштириш асосий йўналишларининг амалга оширилиши тўғрисидаги масалалар кўриб чиқилди.***

Мажлисни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев бошқарди.

Йиғилишда таъкидланганидек, мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов томонидан белгилаб берилган устувор вазифаларни бажариш ва макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, миллий валютани алмаштириш курсларини унификация қилиш ҳамда унинг конвертациясини жорий этиш, иқтисодиётда хусусий секторнинг улушини ошириш юзасидан кўрилган чора-тадбирлар ўз натижасини бермоқда. Жумладан, жорий йилнинг биринчи чорагида иқтисодий ўсиш суръатлари 4,8 фоизга ортди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 2,2 баравар кўп демакдир.

Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш суръатлари 8,8 фоизга, шу жумладан машинасозлик ва металлни қайта ишлашда 35,3 фоизга, қора металлургияда 19,1 фоизга, қурилиш материаллари саноатида 15 фоизга, ёниғи саноатида 9,1 фоизга ошди.

Иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш ҳажмини ўстиришнинг иқтисодий ўсиш билан мувозанатланган суръатлари қишлоқ хўжалигида 106,7 фоизни, чакана савдода 105,1 фоизни ва пулли хизмат кўрсатишда 111,8 фоизни ташкил этди.

Экспорт ҳажми бўйича юқори суръат, яъни 31,5 фоиз таъминланди. Тайёр маҳсулотлар бўйича ўсиш суръати 53,4 фоиздан иборат бўлди. Ташқи савдо баланси ижобий сальдоси 335,8 миллион АҚШ долларини ташкил этганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Иқтисодиётнинг реал секторига 200 миллиард сўм кредит ресурслари йўналтирилди. Давлат бюджети профицит билан ижро этилди. Қатъий пул-кредит сиёсатининг ўтказилиши инфляцияни жиловлаш имконини берди. Унинг даражаси йилнинг биринчи чораги давомида 1,1 фоизгача пасайди. Бу ўтган йилнинг айни давридагидан қарийб 5 баравар паст демакдир.

Давоми 2-бетда.

## ПОЙТАХТНИНГ бир куни

Янгиликлар, воқеалар

### ҚИСҚА сатрларда

● **КЕЧА** Украинанинг мамлакатимиздаги элчихонасида хорижий ва маҳаллий оммавий ахборот воситалари учун матбуот анжумани ўтказилди. Унда Украина Республикасининг Фавқулодда ва мухтор элчиси Анатолий Касьяненко икки мамлакат ўртасидаги савдо ва иқтисодий муносабатлар тўғрисида ахборот берди, журналистларнинг саволларига батафсил жавоб қайтарди.

● **ТОШКЕНТ** Давлат юридик институтида «Унинг номи мангу барҳаёт» мавзуида уюштирилган ижодий кеча Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф таваллудининг 50 йиллигига бағишланди.

● **ТОШКЕНТ** архитектура-қурилиш институтида магистрантлар иштирокида ўтказилган илмий-амалий анжуман «Архитектура ва қурилиш муаммолари» деб номланди.

● **СОБИР** Раҳимов туманидаги «Тахтапул» маҳалласида Мехр ва мурувват йили муносабати билан хайрия тадбири ва санъаткорлар ижросида концерт дастури уюштирилди.

● **МИРЗО** Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университетида уюштирилган «Терроризм—тараққиёт душмани» мавзуидаги тадбирда талабалар иштирок этишди.

● **БЕКТЕМИР** туман ҳокимлигида туман фаоллари, маҳаллалар оқсоқоллари иштирокида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Бектемир туман бўлими Кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган «Ўз уйингни ўзинг асра» мавзуидаги тадбирда терроризмга қарши курашиш барчанинг вазифаси бўлиши лозимлиги таъкидлаб ўтилди.

● **ЎЗБЕКИСТОН** Давлат жаҳон тиллари университетида бўлиб ўтган тадбир «Ўзбекистон ёшлари огоҳликка чорлайди» деб номланди.

● **ТОШКЕНТ** ирригация ва мелиорация институтида «Маънавият куни» тадбири ўтказилди.

**Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.**

## Сўранг, жавоб берамиз

***Мен узоқ йиллар халқ хўжалигининг турли соҳаларида ишлаганман. 40 йилу 6 ойлик меҳнат стажим бор ва 2-гуруҳ ногирониман. 28.560 сўм пенсия оламан. Лекин уй-жой ва коммунал хизматлар ҳақини тўлиқ тўлаб келяпман. Бу борадаги имтиёзлардан нега фойдалана олмаслигимни тушунмаяпман.***

**М.Искандаров, пенсионер.**

Республика Президентининг 2003 йил 27 мартдаги «2003 йилнинг 1 апрелидан бошлаб уй-жой ва коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича бериладиган имтиёзлар ўрнига компенсация тўловларини жорий этиш тўғрисида»ги Фармонига асосан ишлаб чиқилган низомда ушбу имтиёздан фойдаланадиган шахслар, муассаса, ташкилотлар рўйхати келтирилган. Ушбу рўйхатда ўқитувчи, тарбиячи, уруш ногирони, ЧАЭС ҳалокати оқибатларини бартараф этишда қатнашганлар ва бошқа тоифадаги шахсларга ойлик компенсация пулини тўлаш кўзда тутилган. Агар сиз юқорида кўрсатиб ўтилган тоифага тўғри келсангиз туман ижтимоий таъминот бўлимига мурожаат қилишингиз мумкин.

* * *

***16 ёшга тўлмаган фарзандларимнинг пулини олишга қийналиб юрибман. Маҳалла маъмурияти доим бирор бир ҳужжат етишмаяпти, деб қайтаради. Болалар пулини олишим учун қандай ҳужжатларни тайёрлашим керак?***

**М.Юнусова, ҳамшира.**

Республика Президентининг 1996 йил 10 декабрдаги Фармонига мувофиқ 16 ёшга тўлмаган болаларга маҳалла томонидан болалар пули тўланади. Уни олиш тартиби тўғрисида маҳалла оқсоқоли ва котиб ота-оналарга тўлиқ тушунтириш беришлари шарт.

Бу пулни олишингиз учун болангизнинг соғлиғи тўғрисида маълумотнома, туғилганлик гувоҳномасидан кўчирма, ота-онанинг иш жойларидан маълумотнома каби ҳужжатларни тўплашингиз керак бўлади. Яна ҳам тўлиқ маълумотларни маҳалла маъмуриятидан сўраб билишингиз мумкин.

* * *

***Мен негадир кундан-кунга семириб кетяпман. Лекин соғлиғим жойида. Шикоятим йўқ. Эшитишимга қараганда семизлик ҳам касаллик ҳисобланар эмиш. Шу ростми? Шу тўғрида тўлиқроқ маълумот берсангиз.***

**Н.Усмонова, тарбиячи.**

Ҳа, ўта семизлик ҳам касаллик. Семизлик турли-туман хасталикларга дучор қиладиган ва умр бўйи даволашни талаб этадиган дард ҳисобланади.

Вазни ортиқчалиги ва семиришдан азият чекаётган одамлар сони бугунги кунда тобора кўпайиб бормоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотига кўра, сайёрамиздаги одамларнинг 30 фоиздан кўпроғи (бир миллиарддан зиёд киши) шу хасталикка чалинган.

Олимлар, амалиётчи шифокорлар ва ҳатто беморларнинг ҳам узоқ муддатли кузатувлардан маълум бўлдики семиз кишилар турли хасталикларга тез чалинар эканлар. Тиббиётда «орттирилган касалликлар» рўйхатида семизлик ҳам мавжуд ва унинг оқибатида қандли диабет, атеросклероз, юракнинг ишемик касаллиги ва унинг фожеали чўққиси — миокард инфаркти, инсульт хавфини соладиган артериал гипертония юз беради. Касалликнинг пайдо бўлишига нотўғри овқатланиш ва жисмоний фаолликнинг камлиги сабабдир.

Хуллас, семизликни шахсий муаммо деб ҳисоблаб ўзича даволанмасдан фақат шифокор кузатуви остида муваффақиятли даволаш мумкин.

**Ҳурматли ҳамшаҳарлар! Ўзингизни қизиқтирган барча масалалар бўйича 133-29-09 телефонига қўнғироқ қилсангиз малакали мутахассислар ёрдамида саволларингизга батафсил жавоб беришга ҳаракат қиламиз. Мактуб ёзинг, қўнғироқ қилинг.**

# ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ МАЖЛИСИ

**Давоми. Боши 1-бетда.**

Қишлоқ хўжалигида ислоҳотлар изчил давом эттирилмоқда. Ҳосилдорликни ошириш, шартномавий муносабатларни қонуний асосда йўлга қўйиш, қишлоқда яшаётган кишиларнинг иқтисодий манфаатдорлигини яхшилаш борасида талай ишлар амалга оширилди. Қишлоқ хўжалигида хусусий секторнинг улуши зарар кўриб ишлагани ва паст рентабеллиги туфайли тугатилган 284 ширкат хўжалиги негизида ташкил этилган 11,2 минг фермер хўжалиги ҳисобига ортди.

Маъмурий ислоҳотлар натижасида ортиқча бошқарув тузилмалари ва функциялари тугатилди. Натижада қарийб 40 минг бошқарув ходимининг иш ўрни қисқартирилди. Бу эса ўз навбатида ортиқча маъмурий бошқарув бўғинларини ихчамлаштириш ва самарали бошқарув услубини яратиш имконини берди.

Хомашё ва материалларнинг юқори ликвидли турларини тақсимлашнинг маъмурий тизими тугатилиб, уларни сотишнинг бозор механизмлари жорий этилди. Бу Республика товар-хомашё биржасида биржа савдоси ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 2 барабардан кўпроқ ортишини таъминлади.

Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишни кучайтиришга доир чора-тадбирлар ўз самарасини бермоқда. «Меҳр ва мурувват йили» дастурида белгиланган вазифалар изчиллик билан амалга ошириляпти.

Шу билан бирга, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва инвестиция дастурларида йилнинг биринчи чорагига белгиланган вазифалар тўла бажарилмади. Тендер савдолари ўтказиш, қурилишларнинг аниқ рўйхатларини тасдиқлаш, уларни амалга оширувчи пудратчи ташкилотларни кредитлаш механизмларини жорий этиш борасида ҳамон муаммолар бор. Янги ташкил этилган фермер хўжаликларига хизмат кўрсатиши лозим бўлган инфратузилма объектларини барпо этиш дастурининг ижроси белгиланган муддатдан орқада қолмоқда.

Мажлисда шулар ва шу каби бошқа муаммоларни ҳал этиш чора-тадбирлари кўриб чиқилди.

Кўрилган масалалар юзасидан Бош вазир ўринбосарлари Э.Ғаниев, А.Азизхўжаев, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири С.Бегалиев, «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси раисининг биринчи ўринбосари Ш.Мажидов, Бош прокурор ўринбосари П.Бобожонов, «Пахта-банк» акциядорлик тижорат банки бошқаруви раиси Қ.Тошматов ва бошқалар сўзга чиқди.

Мажлисда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

**ЎзА**

# "ИЛҲОМ-ХХ" ФЕСТИВАЛИ

**Шу йилнинг 20 апрелидан 1 майгача Тошкентда "Илҳом-ХХ" халқаро замонавий мусиқа фестивали бўлиб ўтади. Бу ҳақда фестиваль ташкилотчиларидан бири, Франциянинг Ўзбекистондаги элчихонасида ўтказилган матбуот анжуманида маълум қилинди.**

Франция элчихонаси маданият бўйича маслаҳатчиси Иоан Юреснинг таъкидлашича, ушбу анъанавий фестиваль Ўзбекистон маданият ишлари вазирлиги, республика Бастакорлар уюшмаси, Давлат консерваторияси , Тошкентдаги Виктор Гюго номли француз маданият маркази, Германия, Италия, АҚШ, Швейцария элчихоналари , Гете институти ҳамда Швейцария қўллаб- қувватлаш ва ҳамкорлик жамғармаси томонидан ташкил этилмоқда.

- Тошкентда ўтказиладиган "Илҳом" фестивали менинг назаримда энг йирик маданий воқеага айланади,—деди Иоан Юрес. –Бу учрашувни биз ҳар йили орзиқиб кутамиз. Навбатдаги тўққизинчи фестиваль чинакамига миллий қамров касб этади. Фестивалда қирққа яқин хорижий ва ўзбек созандаларини тинглаймиз. Маҳаллий жамоалардан "Туркистон" камер оркестри ва хонандалар ансамблини мисол келтиришимиз мумкин. Шунингдек, фестивалда Франция, Россия, АҚШ, Германия ва Туркманистон вакиллари ҳам иштирок этади. Жами ўн иккита концерт намойиши кўзда тутилмоқда. Фестиваль доирасида ўтказиладиган концертларнинг ярми ўзбек созандалари, қолган ярми эса хорижликлар томонидан ижро этилади. Концертларнинг ҳаммаси бепул.

Мазкур фестиваль доирасида ўқув машғулотлари ўтказиш ҳам режалаштирилган. Тошкентга ташриф буюрган театршунослар, дирижер ва мусиқачилар Ўзбекистон Давлат консерваторияси талабаларига дарслар ўтишади.

# ЧОРАК САРҲИСОБИ

***Республика Давлат солиқ қўмитасида 2004 йилнинг биринчи чорак якунларига бағишланган навбатдаги ҳайъат йиғилиши ўтказилди.***

Вазирлар Маҳкамасининг ўтган йил якунларига бағишлаб ўтказилган йиғилишида мамлакатимиз раҳбари томонидан хўжалик юритувчи субъектлар учун солиқ юкини камайтириш, кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантирувчи омилларга қаратилган вазифалар белгилаб берилган эди.

Мазкур ҳайъат йиғилишида жорий йилнинг биринчи чорагида солиқ хизмати идоралари томонидан амалга оширилган ишларга якун ясалиб, солиқларнинг йиғилиш даражасини яхшилаш, солиқ базасини кенгайтириш ва солиқ қонунчилигига риоя этилиши бўйича солиқ назоратини ошириш масалалари муҳокама этилди.

Жорий йилнинг ўтган ойлари мобайнида солиқ идоралари асосий йўналишлар бўйича ҳукумат томонидан қўйилган вазифаларнинг бажарилишини таъминлади. Республикада ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши тадбиркорлик ҳаракатининг ривожланиши ўз навбатида солиқ базасининг кенгайишига имконият яратмоқда.

Республикада солиқ тўловларини давлат бюджетига тушуми бўйича белгиланган кўрсаткичлар 102,5 фоизга бажарилди. Бюджетга ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 23,4 фоиздан зиёд солиқ ва йиғимлар туширилган. Шунингдек, пенсия жамғармасига 148 миллиард сўмлик маблағлар туширилиб, пенсия ва нафақаларни молиялаштириш, нақд пул тушумини кўпайтириш, боқимандa қарзларни қисқартириш, солиқ объектлари ва субъектларини инвентаризациялаш борасида ҳам анча ишлар амалга оширилди.

**"Туркистон-пресс"**

# ЯНГИ ҚЎЛЁЗМАЛАР ТОПИЛДИ

***Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги чет элларга олиб чиқиб кетилган ва халқ бойлиги бўлган архив ҳужжатларни қайтариб олиб келиш бўйича махсус комиссия раиси, Олий Мажлис депутати, академик Н.Иброҳимов ва Олий Мажлис депутати, мазкур комиссия аъзоси З.Мунавваровдан иборат ҳайъат Миср Араб Республикасида бўлди.***

Комиссия аъзоларининг қадимий қўлёзмалар, илмий ва маданий бойликларга оид асарларни ёки уларнинг нусхаларини қайтариш мақсадида Мисрнинг турли кутубхона ва архивларида олиб борган ишлари натижасида халқимиз меросига тааллуқли қатор асарлар мавжудлиги аниқланди. Хусусан, Қоҳирадаги "аль-Аҳром" марказининг Қўлёзма ва китоблар бўлимидан темурийлар даври тарихи, санъати ва адабиётига оид "Тазкират ал-Шуаро", "Таҳсилот Зиж ал-Имодий", "Равдат ал-Сафо фии Сир ал-Анбиё", "Шарҳ Зижи Улуғбек" қўлёзмалари ва мусаввир Беҳзоднинг Саъдий "Бўстонига" ишланган 15та миниатюраларининг электрон нусхаси сотиб олиниб, мамлакатимизга келтирилди.

Ташриф доирасида мамлакатимиз ҳайъати аъзолари Айн Шамс, Ҳелван университетлари ва Миср — Ўзбекистон дўстлик жамиятининг Искандария шўъбасида ўтказилган "Ўзбекистон кунлари"да иштирок этди. Расмий, сиёсий, илмий, маданий, ишбилармон доиралари вакиллари қатнашган ушбу тадбирларда Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг қўламли сиёсий-иқтисодий ва ижтимоий-маданий ислоҳотлар, икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар ва уларнинг истиқболлари тўғрисида ахборот берилди.

Сафар давомида, шунингдек, академик Н.Иброҳимовга Қоҳира шаҳридаги Араб тили академияси аъзоси дипломи тантанали равишда топширилди.

**"Жаҳон"АА**

*Ҳамкорлик*

# МАСОФАВИЙ ЎҚИТИШГА ЭЪТИБОР

***«Истеъдод» республика жамғармасининг халқаро доирадаги алоқалари кенгайиб бормоқда. Бу эса масофавий ўқитиш йўналишини янада яхшилаш учун пухта замин ҳозирламоқда.***

Бизнес бошқаруви йўналиши бўйича магистрлар тайёрлашга қаратилган янги лойиҳалар ҳам юзага келди. Бунда Буюк Британиянинг Херриотт — ВАТТ университетининг Эдинбург Бизнес мактаби билан йўлга қўйилган ҳамкорлик ҳам қўл келди.

Ушбу лойиҳа бўйича республикамиздан икки нафар магистр масофавий ўқитиш асосида ўз билим ва малакасини оширади.

Жанубий Кореянинг юқори рейтингига эга бўлган Хандонг Глобал университети билан ҳамкорликда қўшма магистратура дастурини тайёрлашга киришилди. Қўрилаётган бу таълимий тадбир 30 нафар иқтидорли талабани масофавий ўқитиш жараёнига жалб этиш имконини беради.

Бизнес бошқаруви бўйича магистрлар тайёрлаш лойиҳаларидан бири амалиётга татбиқ қилинди.

**Акбар АЛИЕВ**

***Республика халқ усталари ва ҳунармандлари «Ҳунарманд» уюшмасининг ўн олти мингга яқин аъзоси томонидан жорий йилнинг ўтган даври мобайнида салкам бир миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.***

# УСТАЛАР МАҲСУЛОТИ ХАРИДОРГИР

— Ўттиздан ортиқ йўналишни ўзида қамраган тўрт юз турдаги амалий санъат намуналарининг аксарияти кулоллар, косиблар, ганчкорлар, заргарлар, пичоқчилар, дўппидўзлар ва қўлда атлас тўқувчилар томонидан тайёрланяпти, — дейди уюшма раиси Намоз Облоқулов ЎзА мухбирига. — Бу борада уюшманинг Андижон, Наманган, Риштон, Самарқанд, Шаҳрисабз, Бухоро, Хива ҳудудий бўлимлари аъзоларининг хизмати алоҳида бўлмоқда. Келгусида чет эл сармояларини тармоққа жалб этиш ва хорижда савдо уйларини очишни мўлжаллаганмиз.

Усталар шу йил бошидан буён Россия, Қозоғистон, Германия, Япония ва Туркия каби мамлакатларда ўтказилган халқаро кўргазмаларда ва юртимизга келаётган сайёҳларга юз минг доллардан зиёд миллий ҳунармандчилик маҳсулотларини сотишга муваффақ бўлди.

**ЎзА**

## Шарқ дурдоналари

### Ўз-ўз ўрганиш доно бўлур...

● Эй ўғил! Бу насиҳатларга қулоқ сол, касбу ҳунар ўрганишдан ор қилма, меҳнат қилишни ўрган! Унутмагинки, юрт ва элнинг ривожи ҳам ҳунарга боғлиқ! Энг ҳалол ва энг ёқимли емиш ва кийим ҳунардан ҳосил бўлади! Ҳунар яширин хазина! Куни келиб дунё тасодифлари туфайли мол-мулкдан ажралсанг ҳам, ҳунардан ҳеч қачон ажралмайсан! Аксинча, у янада сайқал топиб бораверади. Ҳунар сенинг доимий ҳамроҳинг ва мададкорингдир.

● Дунёда энг ёқимсиз ва энг ёмон хислатлардан бири — ишламасдан бировлар инъон-эҳсонига таъма кўзини тикиб ўтиришдир. Бундай салбий хислатга эга бўлганлар ҳамма вақт қоралanganлар. Эл орасида беқадр бўлганлар. Касбу ҳунар эгаси тамадан холидир. У ўз ҳунарининг фазилати туфайли ўз қўл меҳнати билан ҳалол топиб, ҳалол ейди.

● Билгинки, ҳунар дунёда молу пул ғамлаш, ундан ўз маишати учун фойдаланиш учунгина эмас. Ҳар қандай ҳунарманд киши ўз ҳунари билан одамларнинг кўнглини олмоғи, кўпчиликка ёрдам бериб, уларни хурсанд қилмоғи лозим. Зеро, Шайх Саъдий айтадики:

**Кишида бўлмаса**
**фазлу ҳунардан,**
**Ундайнинг сувратдан**
**нима фарқи бор?!**
**Ҳунар дунё тўплаш**
**учун эмасдир,**
**Ўзгалар кўнглини**
**шод қилган такрор!**

● Ҳакимлар одамнинг аҳмоғини ташқаридан кузатиб билиб оладилар. Аҳмоқ киши кўнглига нима келса оқибатини ўйламай қилаверади. Тажрибакор ва ақлли одамларнинг гапига қулоқ солмайди. Ақлсиз одамлар нима деса уларга рози бўлади. Ўзига ҳаддан зиёда бино қўяди. Кимки уни мақтаса ўша кишини яхши кўради. Сўралган нарсага оқибатини ўйламай жавобини бераверади. Ҳар бир ишда шошқалоқликка йўл қўяди. Илмдан холи, хатога эса кон бўлади. Бойиб қолса ёки бировга ҳожати тушмайдиган бўлиб қолса ҳеч кимни менсимай, мағрурланиб юради. Биров савол берса жавоб бергиси келмайди. Саволга кўполлик билан жавоб беради. Ўзи сўрамоқчи бўлса ялиниб сўрайди. Кулса қаҳ-қаҳ уриб кулади, йиғласа ундан ҳам ўтказади.

● Минг оғиз беҳуда сўздан бир луқма нақ таом яхши.

● Унутмагинки, ҳар бир айтилган сўз кишининг юрагидан дарак беради.

● Бирор ерга борганда эзмаланиб узоқ ўтирмаслик ва ўтиришда эса фақат керакли сўзларни гапириш одамнинг қадру қимматини оширади.

● Дунёнинг барча ёмонлиги қулфланган бир уйга яширилган. Унинг калити бойликка бўлган ҳирсдир.

● **Ҳикмат.** Киши сахий душмандан сақланганидан кўра хасис дўстдан асрангани яхшидир. Байт:

**Ҳар кимсада бўлса**
**қабиҳ бир одат,**
**Бу одатни қилар бир**
**куни такрор.**

● Ўз нафсини деб бойлик қидиришдан қочиш натижаси роҳат, эл молидан тама ипини узиш натижаси муҳаббат, ўзгалар сирини билиб, айбини топаман дейишдан қўл ювиш натижаси юксак хулқдир.

*Футбол*

# ЙИРИК ҲИСОБДАГИ ҒАЛАБА

**КЕЧА**

«Пахтакор» марказий стадионида бўлиб ўтган «Пахтакор» — «Навбаҳор» жамоалари ўртасидаги беллашув билан мамлакат XIII миллий чемпионатининг 6-тур баҳслари бошланди.

Шуни таъкидлаш жоизки, ушбу учрашув турнинг марказий ўйинларидан бири эди. Сабаби, «Пахтакор» ва «Навбаҳор» жамоалари турнир жадвалида биринчи ҳамда иккинчи ўринларни эгаллаб туришибди. Аммо, тан олиш керакки, тошкентлик футболчиларнинг тажриба ва маҳорат бобида меҳмонлардан анча устун эканликлари маълум бўлиб қолди. Майдонда тўпни кўпроқ назорат қилиш, бир-бирига аниқ узатиш бобида мезбонлар наманганликларга намуна бўлишди. Рақиблар дарвозасига уюштирилган хавфли ҳужумлар самара бериб, аввалига 10-дақиқада Леонид Кошелев, сўнгра 45, 70-дақиқаларда Зайниддин Тожиев (2 марта) томонидан киритилган голлар «Пахтакор»га 3:0 ҳисобидаги йирик ғалабани туҳфа этди.

**БУГУН**

яна бир ҳал қилувчи учрашув бўлиб ўтади. «Нефтчи» жамоаси ўз майдонида «Насаф»ни қабул қилади.

**ЭРТАГА**

эса 6-тур беллашувлари ниҳоясига етади.

Навбатдаги 7-тур баҳслари 25, 26 апрель кунлари ўтказилади.

**Анвар ЙЎЛЧИЕВ**

*ГАП ЭГАСИНИ ТОПСИН*

# ЗИЙРАК БОБО ШАҲАР КЕЗАДИ

## ҚАДР

Кечқурун ишдан келсам набирам Иродахон:

— Бобо, бугун ён қўшнимиз Ҳожибой аканинг туғилган куни-я, эсингиздан чиқмадими? — деб қолди.

— Эсимда, чироғим.

Дарвоқе биз девор-дармиён бўлган иккала қўшни иноқмиз. Ҳар йили туғилган кунларимизда, байрамларда бир-биримизникига чиқиб қутлаймиз, бир пиёла чой устида чақчақлашамиз.

Ҳожибой, барака топсин кўнгли, қўли очиқ йигит. Бировдан ёрдамини аямайди. Ўзиям баобрў идоралардан бирида ишлайди. Уйида бирор йиғин ёки оила аъзоларидан бирортасининг туғилган куни бўлса борми ўша куни ҳовлисида тўй бўлиб кетади. Ошна-оғайнилари кўп-да. Ишхонадаги ҳамкасбларига эса гап йўқ. Ҳаммаси қамишдан бел боғлаб хизмат қилишади. Совға-саломлар бисёр.

Кечки пайт қуруқ бўлмасин дедимда, аёлим елим халтачага солиб берган кўйлакни қўлтиқлаб Ҳожибойнинг хонадонига чиқдим. Дарвозадан кирдиму, ҳайрон бўлиб қолдим. Бунақа пайтлар эрталабдан гавжум бўлиб кетадиган ҳовли бугун сув қуйгандек жим-жит эди. Ё тавба, кунидан адашиб, янглишиб кириб қолдимми чоғи. Ўйланиб турсам ичкаридан Ҳожибойнинг ўзи чиқиб қолди.

— Эй бобо, бормисиз? Яхши юрибсизми? Кираверинг, нега хаёллаб турибсиз.

Ҳожибой билан кўришиб қўлимдаги совғани унга тутқаздим.

— Энди арзимас бўлса ҳам кўп ўрнида кўрасизда, иним.

—Ҳимматингиз учун раҳмат. Совға билан қадр ўлчанмайди, ота, ҳамма гап кўнгилда. Энг аввало дил тоза бўлсин экан. Қани ичкарига марҳамат.

У менинг қўлимдан тутиб пешайвонга чорлади. 30 чоғли кишига мўлжалланган дастурхон бадастир безатилгану, лекин унинг атрофида биздан бўлак ҳеч ким йўқ. Фотиҳадан сўнг хижолат тортиб дедим.

— Мен эртароқ чиқиб қолдим шекилли-да.

— Йўқ, йўқ бемалол ўтираверинг. Бир ўзим зерикаётгандим. Яхши бўлди ҳамроҳ топилди.

Суҳбатимиз қизиб орадан бир соат вақт ўтди ҳамки меҳмонлардан дарак бўлмади. Кейин дастурхонга суюқ овқат тортилди. Гап орасида сўрадим.

—Бу, ҳеч ким кўринмайди биродар. Ёки дўстларингиз, ҳамкасбларингиз бехабар қолишдимикан?

— Йўқ, ҳаммасининг хабари бор. Олдинлари ўзингиз биласиз айтсам-айтмасам бунақа кунларда ҳовлимиз қадрдонлар, узоқ-яқинларга тўлиб кетарди. Бу сафар ҳеч ким йўқлигининг сабаби бор, ота. Бир кўнгилсиз воқеа туфайли ишдан четлаштирилганимга бир ой бўлди. Шундан бери уйдаман. Тақ этса эшик пойлайман, битта-яримта қадрдонларим келиб кўнгил сўрармикан деб. Ҳеч ким келмайди. Тўғри, дастлабки кунларда келди-кетди бўлиб турди. Ишдан ростмана бўшаганимдан кейин бу ҳовлидан одамларнинг қадами узилди. Шу бир ой ичида кўп синоатларни бошимдан ўтказдим. Қаранг, ишинг, топиш-тутишинг яхши бўлса атрофингда ўралашадиган содиқлар кўпайиб қолар экан. Ишинг чаппасига кетса, нафақат ўзинг, ҳатто кунда-шунда қадрдонларинг ҳам «собиқ»қа айланар экан. Мана кўриб турибсиз дастурхонимиз ҳар доимгидек ёзиғлиқ. Лекин унинг атрофини тўлдириб ўтирадиган дўстларимиз, ҳамкасбларимиз бугун йўқ. Одамнинг қадри шунақада билинарканда.

Нима дейишимни билмай довдираб қолдим. Кейин ўзимни тутиб олиб Ҳожибойнинг кайфиятини кўтаришга ҳаракат қилдим. Қачонки дастурхон атрофидан унинг куёви ва қизлари жой олишганидан кейин даврага бироз файз киргандек бўлди.

## ЯРМИСИ СИЗГА, ЯРМИСИ БИЗГА...

— Ҳой отаси, кеча шаҳар электр тармоқлари идорасидан назоратчи келиб: «Анчадан бери электр ҳақини тўламаэкансизлар, ҳозир тўлайсизлар, бўлмаса чироғингизни ўчириб кетаман», деб пўписа қилиб кетди. Барака топинг, эртага келинг, отаси уйда бўладилар, ўзлари билан гаплашасиз деб зўрға кўндирдим. Кўчага кетмай туринг, ҳозир келиб қолади.

Кутдим. У тушдан кейин келди.

— Отахон, қалайсиз, бу кечалари электр ёқишни унутмайсизу, пулни тўлашни унутаркансизда? Қани бир ҳисоб-китоб қилиб қўйайлик.

Назоратчи ўрта ёшли йигит шундай дея, пойафзалини ечмай уйга кирдида хона тўридаги электр ҳисоблагич томон йўналди. Унинг сурбетларча қилаётган ҳаракатидан ранжиб дедим:

— Биродар, ҳеч бўлмаса оёқ кийимингизни ечинг.

У бир менга, бир оёқ кийимига қараб қўйди.

— Кечирасиз, ишимиз шошқич-да. Сизга ўхшаган қарздорлардан яна нечтасиникига киришим керак.

Назоратчи норози кайфиятда орқага қайтиб оёғидаги пойабзалини зўр-базўр ечдида, йўлакка чиқариб қўйди. Кейин чаққон бориб ҳисоблагичдаги рақамларни ёза кетди. Уни бирма-бир солиштира туриб тиржайди.

—10 мингга яқинлашиб қолибдику қарзингиз отам. Нима дейсиз бироз пасайтирайми?

— Қандай қилиб, иложи борми?

— Келишсак иложини топамизда отахон. Майли сизга жабр бўлмасин. 6 минг ёзаман. 3 минги ҳисоб дафтарингизга, 3 минги бизга — хизмат ҳақига.

— Бу қанақаси, гапингизни бироз тушунмайроқ турибман, — атайлаб сўрадим ундан.

— Нимасини тушунмайсиз, сих ҳам, кабоб ҳам куймасин деган гап борку.

Назоратчи очиқ савдога ўтди.

— Агар кўп десангиз яна бироз камайтиришим мумкин.

— Умумий ҳисоб қанча бўлибди ўзи?

— 9 минг 500 сўм.

— Шунинг ҳаммасини тўлиқ олаверинг. Бу нима бозормидики савдолашасиз.

Танбеҳдан сўнг назоратчи ўзини оқламоқчи бўлди:

— Қойил-ей, ота, қани энди сизга ўхшаган ҳақиқатгўй инсонлар кўп бўлса. Унда бизга ўхшаб эшикма-эшик «тиланчилик» қилиб юрадиган назоратчилар ҳам камаярмиди? — деди жилмайиб.

Унинг гапи мени ўйлантириб қўйди. Шундай бўлса яхши бўларди деймaн ўзимча. Ҳар қалай давлатнинг нонини туя қилаётганлар сони анча камаярди.

## АСАБГА ЭРК БЕРМАНГ

Бу асаббузарликка арзимаган туртки сабаб бўлди. Навбатдаги бекатдан автобусга чиққан йигит тиқилинчда олдинга ўтмоқчи бўлиб тирсаги билан ёнидаги танноз жувонни туртиб юборди.

— Кўз борми ўзи? — ўшқирди жувон йигитга.

— Кечирасиз опа, тиқилинчда билмай тегиб кетдим.

— Тиқилинч экан деб босиб-янчиб кетаверадими? Кўр бўлса ҳам кўзни очиб юриш керакда одам.

— Атайлаб қилганим йўқ, узр сўрадимку ахир, опажон.

— Қилар ишни қилиб яна узр сўрадим дейсан-а. Узрингни ўзинг пишириб е.

— Бўлди опа, нима бало бугун поччам билан уришиб чап ёнингиз билан турганмисиз дейман, — вазиятни юмшатиш учун кулгига олди йигит.

— Бир камим эрим билан ётганим, қайси томоним билан турганимни айтишим қолувди сен сўтакка.

— Оғзим бор деб гапираверманг, опа, — асабийлашди йигит ҳам.

— Қизим, сиз бир гапдан қола қолинг, — муросага чақирди ўриндиқда ўтирган аёл.

— Сизнинг нима ишингиз бор. Мошхўрдига қатиқ бўлмай индамай ўтираверсангизчи жойингизда.

— Вой мен гапирмай қолай. Тавба қилдим, қизим билганингизни қилинг-а, — сўз қотганига пушаймон бўлди аёл.

— Ҳой қизим, инсоф борми ўзи? Арзимаган гапга нима қиласиз бутун автобусни оёққа кўтариб, — деди нарироқда турган киши.

— Ёпишларинг-а, ёпишларинг. Айбдор у ёқда қолиб мен бегуноҳга осиласанлар ҳамманг. Шунинг учун ёшлар бетартиб бўлиб кетяпти-да.

— Ҳеч бўлмаса отангиз тенги одамни ҳурмат қилинг. Сансираманг.

Яна кимлар гапирди, нима деди билмайман. Лекин бу нохуш ҳолат бир автобус одамнинг асабини бузди. Бекатда машинадан тушиб қолдим. Очиғи, бу асаббузарлик менга ҳам ўз ҳукмини ўтказиб улгурган эди.

*Билиб қўйган яхши*

# ИЗЛАНИШЛАР САМАРАСИ

Пиёзгулдошлар оиласига мансуб икки йиллик сабзавот ўсимлиги бўлган саримсоқнинг асли ватани Тяншань тоғларидир. Эндиликда у жаҳон пазандачилигида жуда кенг тарқалган, чунки унинг таркибида углеводлар, оқсиллар, ҳужайра моддаси, ифори мой, дармондорилар ҳамда маъдан моддалари кўпдир. Саримсоқ пиёз таркибида яна фитонцид деган аччиқ модда ҳам бўлганлиги сабабли бу сабзавотни доривор ўсимликка айлантирадики, айниқса грипп, ўпка касалликларида, ошқозон, ичак, буйрак хасталикларида, йирингли яраларни тузатишда халқ табобатида ундан фойдаланиб келинган.

Шу қадар фойдали бу неъматни кўпчилик хомлигича ейишни хоҳламайди, чунки унинг ўта қўланса ҳиди бор ва бирмунча вақт оғиздан буруқсиб туради. Бу эса кишининг ўзигагина эмас, балки суҳбатдошининг ҳам ғашига тегади. Пиширилган саримсоқнинг ҳиди анча қирқилса ҳам, барибир батамом йўқолмайди. Масалан, ўзбек пазандачилигида уни лағмонга, шўрвага, паловга солиб пиширилади. Унинг қўланса ҳиди сабабли ўзбек таомларида кам ишлатиладиган бўлиб қолган. Аммо Япония, Корея, Хитой пазандачилигида бу сабзавот жуда кенг қўлланилади ва хомлигича ҳам кўп истеъмол этилади.

Саримсоқни қўланса ҳидини пиширганда эмас, хомлигида қандай қилиб йўқотиш бир неча асрлардан буён муаммо бўлиб келарди, жуда кўп уринишлар сира натижа бермасди.

Япониялик селекционер Цузуки Теки 1950 йилдан бошлаб ҳидсиз саримсоқни яратиш устида тинмай иш олиб боради. Бу борада у сунъий танлаш методини ҳам қўллади, пиёзгулдошларнинг бошқа турлари билан чатиштириб кўрди, турли хил ўғитлардан фойдаланиб ўстирди, тупроқнинг таркибини ўзгартирди, вулқоний кулга экиб кўрди ва ҳоказо. Минглаб тажрибалари 30 йил деганда, охири яхши самара берди. У саримсоқнинг кимёвий таркиби, мазаси, барча фойдали хусусиятларни сақлаган ҳолда, аммо қўланса ҳиди йўқолган бир навини яратди. Бундай нав чой плантацияларида ҳар бир тупнинг қатор ораларига экилганда ҳосил бўлар экан. Чой томири саримсоқ бошидаги, чой барглари саримсоқ баргларидаги қўланса ҳидни батамом нейтраллаштирар экан.

Ўзбекистонда чой экилмайди, лекин сиз қуруқ чой ҳам саримсоқ ҳидини йўқотувчи неъмат эканлигини ушбу тажрибада синаб кўришингиз мумкин: бир паррак саримсоқни хомлигича чайнанг ёки қора бўлка сиртига суртиб енг. Бунинг шарофати катта бўлиб, оғиздаги микробларни қириб ташлайди. Ҳидини йўқотиш учун эса бир дамлашлик қора чойни оғизга солиб шиминг кейин чайнанг, лекин ютиб юборманг, сўнгра оғизни чайқанг, вассалом, сассиқ саримсоқ ҳидидан асар ҳам қолмайди.

**Саримсоқ пишириб**
**тановул қилсанг,**
**Эски йўталларга**
**қилғуси у наф.**
**Агар нонуштада**
**хомини есанг,**
**Қориндаги қуртни**
**айлагай у даф.**

**Оқнор ҲАЗРАТОВ**
**тайёрлади**

# МУНАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ

*19 — 25 апрель*


**Қўй (21.03 — 21.04)** — Ўз кечинмаларингиз таъсиридан чиқишга, қатъиятли бўлишга ҳаракат қилинг. Олдинда ҳеч кутилмаган воқеа-ҳодисаларга тайёр туринг.


**Бузоқ (22.04—20.05)** — Ушбу ҳафта ҳамма зарур ишларингизни бир четга суриб соғлиғингиз ҳақида ўйланг. Акс ҳолда касаллик зўрайиши мумкин.


**Эгизаклар (22.05—21.06)** — Айни кунларда ижодий ҳамкорларингиз билан кўнгилдаги натижаларга эришасиз. Бундан жуда ҳам мағрурланиб кетманг. Сизга камтарлик ярашади.


**Қисқичбақа (22.06—22.07)** — Шу кунларда ҳаётингизда энг керакли нарсани харид қилишингиз эҳтимолдан ҳоли эмас. Худди шу нарса оилангиз тинчлигини таъминлашда катта ўрин тутади.


**Арслон (23.07—22.08)** — Бу ҳафтада қайси бир ишга қўл урманг, унумли ва самарали кечади. Меҳнатингиз муносиб баҳоланади. Бунга яқин кунларда гувоҳ бўласиз.


**Паризод (23.08—22.09)** — Орзу мақсадларингиз сари интиладиган, ўйлаган режаларингизни амалга оширишга киришадиган вақт келди.


**Тарози (23.09—22.10)** — Шу кунларда кўп асабийлашишингиз туфайли соғлиғингиз бироз безовта қилиши мумкин. Арзимас майда гапларга парво қилмаганингиз маъқул.


**Чаён (23.10—22.11)** — Ушбу ҳафта касбий фаолиятингиз билан боғлиқ қувончли хушхабар эшитасиз. Дўстларингиз билан учрашиб, буни нишонлашга киришасиз.


**Ўқотар (23.11—21.12)** — Айни кунларда ҳаётингизни яхши томонга ўзгартирадиган воқеалар бўлиши кутилмоқда. Бундан асло саросимага тушманг. Яхши кунлар ҳали олдинда.


**Тоғ эчкиси (22.12—19.01)** — Бу ҳафтада ишбилармон ҳамкорларингиз сизни бироз чалғитишга уринишлари эҳтимол. Ўз ақл-идрокингиз билан иш кўринг. Қатъиятли ва иродали бўлишга интилинг.


**Қовға (20.01—18.02)** — Оилангиздаги баъзи муаммоларни вақтида ҳал қилганингиз яхши. Бу сизнинг кайфиятингиз ва иш унумингизга таъсир этиши мумкин.


**Балиқ (19.02—20.03)** — Ушбу ҳафта сиз кутган азиз меҳмон билан оилангиз даврасида учрашасиз. Ажойиб совғалардан бошингиз осмонга етади.

## ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР


## ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМИЯТИ ВА ДАВЛАТ МУЛКИ ҚЎМИТАСИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲУДУДИЙ БОШҚАРМАСИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 5 февралдаги «Маҳсулотлар, хом ашё ва материалларнинг юқори ликвидли турларини олишнинг бозор механизмларини жорий этишни давом эттириш тўғрисида»ги 57-сонли қарорига биноан, юқори ликвидли маҳсулотлар, хусусан, ёқилғи-мойлаш материаллари биржа савдолари орқали сотилиши белгиланган.

Юқоридаги кўрсатилган маҳсулотларга эҳтиёжи мавжуд бўлган корхона ва ташкилотлар Республика товар-хом ашё биржасига мурожаат этиб, зарур бўлган маҳсулотларни биржа савдоларидан сотиб олишда иштирок этишлари мумкин.

**Мурожаат учун манзил: Тошкент ш., Ўзбекистон шоҳкўчаси, 53.**
**Тел: 139-83-77, 139-83-84, 139-83-86.**

## Тошкент шаҳар ҳокимияти Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси

### ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳар Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 4 октябрдаги № 400-сонли «Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари учун педагог кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига биноан Ўзбекистон Миллий университети қошидаги Сирожиддинов номли академик лицей, Тошкент Ахборот технологиялари университети қошидаги М. Улуғбек академик лицейи, Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари университети қошидаги А. Икромов академик лицей, Тошкент Давлат техника университети қошидаги Чилонзор академик лицей, Тошкент Давлат шарқшунослик институти С. Раҳимов академик лицейларига директорлик лавозимига танлов эълон қилади.

Танловда илмий даража (илмий унвон) ли ёки педагогик (касбий таълим) ёки таълим муассасасининг йўналиш бўйича олий маълумотли мутахассислар иштирок этишлари мумкин.

Танловда иштирок этишни ҳохловчилар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар.

1. Бошқарма бошлиғи номига ариза
2. Тавсиянома
3. Сўровнома
4. Таржимаи ҳол
5. Маълумоти ҳақида ҳужжатлар асл нусхаси
6. Илмий даража ва илмий унвонлари ҳақидаги ҳужжатларнинг нусхалари (мавжуд бўлса)
7. Илмий-услубий ишлар ва ихтиролар рўйхати (мавжуд бўлса)
8. 4 х 6 ўлчамли 6 дона фотосурат
9. Номзоднинг таълим муассасасига бўлажак раҳбарлик фаолияти бўйича ихтиёрий шаклда ёзилган режаси (концепция).

Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой давомида қабул қилинади.

**Манзил: Тошкент шаҳри, М. Улуғбек тумани, Пушкин кўчаси, 7-уй. Мурожаат учун телефонлар: 136-05-01, 133-80-34.**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

**Firewall (тармоқлараро экранлар) аппарат-дастурий комплекслар хариди учун**

### ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танловда иштирок этиш тўғрисидаги аризалар мазкур эълон чиққан кундан бошлаб 5 иш куни мобайнида компания (фирма)нинг улгуржи товар етказиб бериш ваколатини тасдиқловчи ҳужжатлар билан бирга қабул қилинади.

Мулоқот қилувчи шахс Алексей Михайлюков.
**Тел: 137-59-37, факс: 135-20-90.**
**E-mail: Alex@central.nbu.com**

SONY-54, кумушсимон стерео 200 у.е, SONY-63, кумушсимон стерео 300 у.е янги телевизорлари сотилади. Тел: 22-98-05

## «ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»

**Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 17.30 гача қабул қилинади.**
**Маълумотлар учун телефон: 133-28-95.**
**Факс: (3712) 133-29-09.**
**Манзилимиз:**
**Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 204-хона.**

## «ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ВА «ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»

газеталари таҳририяти реклама агентларини ишга қабул қилади.
Маълумотлар учун телефон: 133-28-95

## «02»: ҲОДИСАЛАР

**● Айрим шахслар баъзида бекорчиликдан ёки бошқа бирор сабабларга кўра бировларнинг мол-мулкига кўз олайтиришади. Ҳатто, турфа хил баҳоналар қилиб, ўзгаларнинг уйларига кириб олиб, бисотидаги буюмларини ёки пулларини қандай бўлмасин қўлга киритишнинг йўлини ахтарадилар.**

Чилонзор тумани, 3-мавзеда яшовчи, ҳеч қаерда ишламайдиган А.Рамиз ва унинг шериги П.Олеглар ҳам шундай қабиҳ ниятларини амалга оширмоқ илинжида Мажлисий кўчаси, 118-уйда истиқомат қилувчи танишлари Г.Қорабоеванинг хонадонида меҳмонда бўла туриб, спиртли ичимликка муккасидан тушиб олиб, уй бекасини пичоқ билан қўрқитадилар. Сўнгра эса, ундан умумий нархи 115.000 сўмлик аёллар чарм куртка ва шимини тортиб олиб, қочиб кетадилар. Мазкур ҳолат тўғрисида туман ички ишлар бошқармасига хабар берилгач, кўрилган чора-тадбирлар натижасида босқинчилар қўлга олинди.

**● Акмал Икромов тумани ички ишлар бошқармаси ходимларининг саъй-ҳаракатлари натижасида туманнинг 30-мавзеси, 13-уй олдида содир этилган талончилик жинояти очилди.**

Маълум бўлишича, Андижон вилоятининг Избоскан туманилик, бирор жойда ишламайдиган ва ўқимайдиган Т.Дамин ва пойтахтнинг Чилонзор туманида яшовчи И.Илёс исмли шахслар Самарқанд вилоятининг Иштихон тумани, А.Бердиқулов жамоа хўжалигида истиқомат қилувчи фуқаро А.Яхшибоевнинг йўлини тўсадилар ва унга нисбатан куч ишлатиб, уриб, тан жароҳати етказиб, 7.500 сўм пулини тортиб олиб ғойиб бўладилар. Натижада жабрланувчига «кўкрак қисмининг лат ейиши» ташхиси билан шифохонада ёрдам кўрсатилган.

**Самариддин ХАЛИЛОВ,**
**Тошкент шаҳар ИИББ Матбуот маркази инспектори.**

*Турмуш чорраҳаларида*

# КЕЛИНДА НИМА ГУНОҲ?

Ориф бундан икки ой аввал кенжа ўғлининг суннат тўйини ўтказди. У шу топда тўй манзараларини видеотасма орқали кўриб ўтирар эди. Гавжум тўйхонадаги сершовқин манзаралар — кимдир кулади, кимдир югуради-елади. Тўйчилик-да, ҳамма хушнуд кайфиятда, ясанган-тусанган.

Ногаҳон даврада рақсга тушаётганлар орасида ўзини кўрди. Кечки базмда хотини билан дўстлари даврасида рақсга тушарди. Ота-онасига қўшилиб берилиб ўйнаётган тўйболага оғайнилари кетма-кет пул қистиришибди. Видеочи йигит ҳам обдон уларни тасмага туширганми, Ориф ўзини экран орқали мамнун ҳолда кўриб, ширин энтикиб қўйди... Экранда Орифнинг укаси Юсуф кўринди. Дўстлари уни, ўғилчасини олқишлаб табриклашгач, даврага тортишди. Юсуф дўстлари қуршовида хотини Зуҳра билан рақсга туша бошлади. Хонанданинг хониши қулоқни тешгудек, иккинчи тўйбола ҳам ота-онасига қўшилиб шодон ўйнай бошлади.

Ориф тўй манзараларини кузатар экан, ўзидан кейинги икки укасининг ўғилларини ўғлига қўшиб тўйини ўтказганидан кўнгли янада кўтарилди. «Эсиз, укам Шоҳруҳга ўғлининг тўйини кўриш насиб этмади», аламли оғриқ ўтди ичидан. Бир сония аввалги шодлигидан асар қолмади унинг. Укасининг вафотидан кейин икки ярим йил ота-онаси қўлида яшаган келини икки мурғак боласини олиб, олисдаги туғилган гўшасига кўчиб кетганига ҳам икки йилдан ошди. Шу ерда яшайверса бўларди, дилидан ўтказди Ориф, илинжи кетганига чидай олмади чоғи...

Ўз хаёллари билан андармон Орифнинг дафъатан экранга қадалган кўзлари мошдек очилиб кетди. Тўйхонада, йўқ-йўқ, даврада кўзларидан дув-дув ёш қуйилиб кенжа келини турар, унинг қўлига укасининг яқин дўстлари гилам тутқазишарди. Орифнинг юраги қалқиб кетди. «Дўстлари унутмабди Шоҳруҳни. Ана, Мурод, Мирза, Бобур, Мансур... яна уч-тўрт оғайнилари... Қизиқ, уларни ким таклиф қилдийкин? Раҳмат шуларга...

Орифнинг кўзи келинига тушди. Умида қўлидаги гиламни Орифнинг ўғлига узатаркан, уни рақсга чорлаган эрининг ўртоқларига миннатдорчилик билдирарди. Келинининг юзини ювиётган кўз ёшлари Орифни титратиб юборди! Умида йиғлаб туриб кулар эди, кулиб туриб йиғларди... Унинг оёғи тагида ўзича рақсга тушаётган қизалоғи билан ўғилчаси онасига жавдираб термулишар, эрининг оғайнилари эса мунгли аёлнинг руҳини кўтаришга чоғланишар эди. Шу вақт даврага Орифнинг кекса онаси тушди. Келинининг қўлига рўмол тутқазиб, унинг кўнглини кўтариш илинжида бир-икки қўл силкиган бўлди. Ориф онасининг кўзларида ҳам ёш кўрди. Кейин... кеннойиси Муҳаббат ҳам Умиданинг ёнига келди. Видеочи ҳам қасд қилгандек Умидани мўлжалга олаверибди. Келини кўзида ёш билан ўйнарди...

Ориф экрандан кўзини олиб қочди. Умида она юртига кўчиб кетгани билан ҳар ойда бир маротаба кекса қайнота-қайнонасини йўқлаб турибди. Мана, қайноғасининг ўғлига қўшиб ўғлининг тўйини ўтказиб кетди. Тўйдан кейин ҳам икки-уч бор келиб-кетди ҳамки, қайинбўйинларидан бирортаси ҳам улардан хабар олишга ярамади-я... Ҳатто тўй куни Умиданинг ёлғизлик, айриликдан титраб турган юрагига қулоқ солишмабди. «Ака бўлиб хотиним билан ўртада хиром қилибман. Юсуф ўйнабди. Кенжа тўйболамиз эса... Яхшиямки, Шоҳруҳнинг дўстлари унинг йўқлигини билдирмасликка уринибдилар. Эҳ-ҳе...

Ориф шартта телевизорни ўчирди. Унинг ташвишлар ҳоритган кўксида кучли санчиқ турди. Умидада нима гуноҳ, гўдакларида-чи... Уларнинг амакиси бўлатуриб икки йил бадалида лоақал бир маротаба ҳолидан хабар олишга ярамабман-а?!

Ички изтироблар исканжасида қолган Ориф оғир қўзғалди. Эрта-индин укасининг ўғли Шаҳзоднинг туғилган куни бўлади. Укасининг юзхотирини қилиб, совға-салом билан сағирларини йўқлаб келишни кўнглига туггач, ҳовлига чиқан Орифнинг мижжаларига ёш қалқди...

**Нигора ЖАМОЛИДДИН қизи.**

*Бўш вақтингизда*

# «СПОРТ» ЧАЙНВОРДИ



1. Нишонга ўқ узиш мусобақаси. 2. Нотекис йўлларда ўтказиладиган пойга. 3.Мусобақанинг бошланиш пайти. 4. Машқ ва пойгалар ўтказишга мўлжалланган доира шаклидаги йўл. 5. Теннис майдони. 6. Спортнинг оммалашаётган тури. 7. Сув спорти биринчилиги. 8. Оғир атлетика анжоми. 9. Гимнастика спорти устаси. 10. Спорт ўйини анжоми. 11. Ватанимиздаги энг катта футбол иншооти. 12. Спортда эришилган энг юқори натижа. 13. Спорт жамиятларидан бири. 14. Ютуқлар ҳисоби. 15. Чавандозлик мусобақалари ўтказиладиган маскан. 16. Бокс беллашуви майдони. 17. Енгил атлетика машқларидан бири. 18. Тоғ чўққисини забт этиш спорти. 19. Энг олис масофага югуриш биринчилиги. 20. Боксда юзага келувчи ҳолат. 21. Гимнастика анжоми. 22. Спорт автомобиллари мусобақаси. 23. Футболда ҳисоб ўзгарадиган ҳолат. 24. Болаларнинг ўзаро команда бўлиб мусобақалашадиган оммавий ўйини. 25. Авиация спортининг ёшлар шуғулланадиган тури. 26. Спорт машинасида ўтказиладиган тўпли ўйин.

**РЕБУСЛАР**

Шакл айланишларида саккизта спорт тури акс эттирилган. Уларнинг ҳар бири номини топиш билан ребусларни ҳал этинг.

**ЎҚИНГ-ЧИ!**

Шакл марказидаги айланаларда ёзилган ҳарфлардан бош ҳарфни топиб эгри чизиқлар йўналишида ўқинг. Бунда ибратли сўзларни билиб оласиз.

**Тузувчи Фозилжон ОРИПОВ**

**Газетанинг шу йил 9 апрель сонида берилган «Атоқли адиб» муаммономасининг жавоблари:**

**Очқич сўзлар:** 1. Абулқосим. 2. Офтоб. 3. «Аҳволимиз». 4. Қўқон. 5. Муҳаммадкаримов. 6. «Муштум». 7. Ёр. 8. «Тонг». 9. Айний.

«Куёш ҳамиша қуёшдир. Даҳо ҳамиша даҳодир. Қодирий даҳосининг Қодирий офтобининг завол билмас иссиқ нурлари илҳом тўла кўксимизни ҳамиша ёритиб туради».

**Саид Аҳмад**




Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. 4409 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-3

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г-507. 1 2 3 4 6